



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 июль, № 138 (9033)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни Наманган вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисобот билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 2 декабрдаги қарори билан Наманган вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгиланиб, катта марра олинган эди. Жумладан, бу йил 4,2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 1 миллиард доллар экспорт қилиш, 323 минг иш ўрни яратиш, 55 минг оилани камбағалликдан чиқариш режалаштирилган.

Бунда энг катта замин — кичик бизнес ва тадбиркорлик. Наманганда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 82 фоизи шу соҳада рўзгор тебратяпти.

Йил бошидан бери вилоятга қарийб 1 миллиард 600 миллион доллар инвестиция киритилган. Лекин бунинг катта қисми Наманган шаҳри ва марказий туманларга тўғри келиб, Мингбулоқ, Норин, Уйчи ва Чортоқда ҳам сармояларни кўпайтириш керак. Экспортда ҳам маҳсулотлар турини кенгайтириш ва чекка туманлар салоҳиятини ошириш зарур.

Вилоят қишлоқ ҳўжалигида ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Биргина Янги-қўрғонда даромад гектаридан 20 минг доллардан юқори.

Шу каби имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун Президентимиз ташаббуси билан ҳудудлар маъмурий ва иқтисодий жи-

ҳатдан ислоҳ қилинмоқда. Наманган вилоятида ҳам мутахассислар, илғор тадбиркорлар ва хорижий экспертлардан иборат “Ислохотлар штаби” иш бошлади. Уларнинг биргаликдаги изланишлари натижасида яна 1 миллиард долларлик лойиҳалар шаклланди.

Йиғилишда мутасаддилар ана шу янги имкониятларни тақдимот қилди. Қайд этилганидек, лойиҳалар натижасида жами 12 минг иш ўрни, бюджетга қўшимча 200 миллиард сўм тушум, 160 миллион доллар экспорт манбаи пайдо бўлади. Масалан, Норин туманида аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш, Мингбулоқда ўрдақчиликни ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари мўллигини таъминлаши ва кўплаб иш ўринлари яратиши билан аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам татбиқ этиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда вилоятда 55 минг ишсиз аҳоли, 44 минг камбағал оила бор. Уларни касбга йўналтириб, иш топишига кўмаклашиш, ўз уйида даромад манбаи яратиш вазифаси қўйилди. Ижтимоий муҳитни мустаҳкамлаш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудлардаги ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар ҳал этилиши юзасидан ҳисобот билан танишди.

Ўтган йили 31 декабрда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал этиб берилган эди. Хусусан, 2025 йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 миллион долларга етказиш, 168 минг кишини ишли қилиш чора-тадбирлари белгиланганди.

Бу вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Ўтган олти ойда Жиззахда саноат, сервис ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятга 662 миллион доллар инвестиция кириб келди. Лекин Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор, Мирзачўл туманлари бу борада анча орқада қоляпти. Шу боис янги лойиҳаларни, аввало, шу туманларга жойлаштириб, аҳолини ишли қилиш зарур.

Сўнгги вақтларда вилоятда 250 миллион долларлик йирик туризм мажмуалари ишга тушгани натижасида бир йилда сайёҳлар оқими 2 қарра ошди. Буни янада ошириш учун ҳамма шароит бор.

Яна бир катта имконият — ер. Жиззахда 1 миллион 300 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ерлари бўлгани билан атиги

40 фоизда экин экиляпти. Бир гектарга тўғри келадиган ўртача даромад ҳам бошқа вилоятлардагига нисбатан кам. Аслида ердан самарали фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорва озуқасини кўпайтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ Жиззах вилоятида ҳам мутасаддилар, соҳа мутахассислари ва етакчи тадбиркорлардан иборат “Ислохотлар штаби” тузилди.

Йиғилишда мазкур штаб томонидан тайёрланган янги лойиҳалар тақдимот қилинди. Унга кўра умумий қиймати 520 миллион долларлик 200 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 12 мингта иш ўрни, бюджетга қўшимча 120 миллиард сўм тушум, 100 миллион долларлик экспорт имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий асоси ва бозор талаби билан қилинди. Ҳокимлар ва “Ислохотлар штаби” биргаликда ишлаб, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва хизмат соҳаларида “катта сакраш” қилиши кераклиги таъкидланди. Шунда Жиззах вилояти инвестиция, иш ўрни, аҳоли даромади ва экспорт энг тез ўсаяётган ҳудудлардан бирига айланади.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Қатар Давлати Амири
Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний
билан телефон орқали
мулоқот қилди.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўхбат аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Қатар Амирининг Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Кейинги пайтларда жадал тус олган икки томонлама мулоқот ва алмашинувлар самарали бўлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестиция кўрсаткичлари фаол ўсмоқда, саноат кооперацияси ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар техник жиҳатдан тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.

Шу маънода, бўлажақ юқори даражадаги тадбирлар, шу жумладан, ташқи ишлар вазирлари раислигидаги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг биринчи учрашуви, Ҳукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари ва бизнес форуми натижадор бўлишига муҳим эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қатар етакчилари олий даражадаги тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

ЎЗА.

АЗАЛИЙ РИШТАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Ўзининг турли геосийёсий қўринишлари билан дунё мамлакатлари ҳамда аҳолини ҳайрат ва ташвишга солаётган XXI асрнинг учинчи ўн йиллигида жаҳон ҳамжамияти қутилмаган синовларни бошдан кечирмоқда. Ушбу синовли ва таҳликали даврда, давлатларнинг тинчлик ҳамда бунёдкорлик йўлида яқин ҳамкорлик олиб боришлари жуда қийин масалага айланиб қолаётган бир пайтда Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаларида жойлашган Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона муносабатлар жаҳон ҳамжамияти учун чинакам намуна бўлаётир.

Акс садо

Мамлакатларнинг географик жойлашувни инobatга олган ҳолда иқтисодий тараққиёт ва транспорт алоқаларини ривожлантириши жуда муҳим. Бу нафақат икки томонлама, балки кенг туркий дунё ва халқаро ҳамжамият стратегик манфаатларига ҳам хизмат қилади.

Чунonчи, тарихан чуқур илдизга ва ўзаро ўхшаш маданиятга эга бўлган туркий тилили икки қардош мамлакат ўртасидаги ўзаро дипломатик муносабатлар расмий равишда 1995 йил 2 октябрда ўрнатилган бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда доимий ало-

қалар йўлга қўйилди. Мазкур санадан қарийб 30 йил ўтган бўлса-да, қардош давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг жадал суръатлар билан ривожланиш даври кейинги 7-8 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона олиб бораётган ташқи сиёсати ўларoқ юксалиш сари қадам қўйди.

Жумладан, 2024 йил 23 августда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида қатор ҳужжатлар, жумладан, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзолааниши давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлади.



Факт ва рақамлар

Мамлакатимизда
ёшларни ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш ва
уларнинг жамиятдаги
фаоллигини ошириш
мақсадида салмоқли
ишлар бажарилмоқда.
Президентимиз
Шавкат Мирзиёев
ёшлар кунига
бағишланган тантанали
маросимдаги нутқид
соҳада қўлга
киритилаётган ютуқлар,
келгусида амалга
оширилиши кўзда
тутилаётган ишлар
ҳақида сўз юритди.

Жумладан:



Ўзбекистон Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти «Ёшлар
— 2030» стратегиясини жадал
амалга ошираётган 10 та
давлат қаторига кирди;

бу йил камида 50 минг
нафар қиз «Рақамли авлод
қизлари» лойиҳаси билан
қамраб олинади.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ



«Ёшлар
бизнеси» дастури
доирасида 100 минг ёш,
«Келажакка қадам» дастури
орқали 140 минг олийоҳ
битирувчиси даромадли иш
билан таъминланади;

стартлапларни
молиялаштириш учун
1 миллиард доллар
венчур сармоя
киритилади;

«ТОП—300»талиқ
олийоҳга кирган
ёшларга 20 минг
долларгача имтиёзли
кредит берилади;

сўнгги етти йилда
40 ёшгача бўлган
раҳбарлар улуши
37 фоиздан 65 фоизга
ошди.

УШБУ СОНДА:

ҒАЛЛАЧИЛИК — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ



3

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ҚИШЛОҚ ТИББИЁТИ ҚАЧОН ЎНГЛАНАДИ?



4

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ:

ИНСОН ИЗМИДАГИ МЎЪЖИЗА



5

Сенатда қабул

Маҳаллий Кенгашларда

Сиёсий партиялар фракцияларида



ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов муаммоларига ечим излаб келган бир гуруҳ фуқароларни қабул қилди.

Унда тадбиркорлик фаолияти, ичимлик суви таъминоти ҳамда уй-жой масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, Андижон вилоятидан ташриф буюрган кекса фуқаро С. Қодирова уй-жойидан асосиз равишда кўчирилгани юзасидан мурожаат қилди. Унга мазкур масала бўйича тегишли мутахассислар иштирокида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, фуқаро Ш. Сайфутдинов ўз тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган шахсларнинг ноқонуний

ҳаракатларидан шикоят қилиб, уларга нисбатан қонуний чора кўришни сўради. Бундан ташқари, Наманган вилоятидан келган бир гуруҳ фуқаролар ичимлик суви таъминотидаги муаммолар ҳақида шикоят қилишди. Қабул давомида ҳар бир мурожаат диққат билан тингланиб, ҳуқуқий тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Мурожаатлар тегишли ташкилот ва мутасадди идораларга юборилиши ҳамда қатъий назоратга олиниши белгиланди.

«Халқ сўзи».

ТАЖРИБА АЛМАШИНУВИ ВА ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан маҳаллий вакиллик органлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва фаолиятда инновацион ёндашувларни жорий этиш мақсадида Сурхондарё вилояти халқ депутатлари Кенгашининг бир гуруҳ депутатлари Бухоро вилоятида бўлди.

Сурхондарёлик депутатлар маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни кучайтириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш борасидаги ишлар билан танишди. Жумладан, делегация аъзолари Бухоро вилояти, Вобкент тумани ва Когон шаҳар Кенгашлари фаолияти, доимий комиссиялар ишлари, назорат-таҳлил жараёнлари, маҳаллалар ва жамоатчилик билан олиб борилаётган ишлар юзасидан фикр алмашди. Меҳмонларда Вобкент тумани Кенгашининг намунали Кенгаш сифатидаги тажрибаси катта қизиқиш уйғотди. Ташриф давомида Чармгарон маҳалласининг “маҳалла еттилиги” фаолияти, жумладан, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, про-филактика инспектори, солиқчи, ҳоким ёрдамчиси ва бошқа мутасаддиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ишлари ўрганилди. Бундан ташқари, депутатлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритувчи қатор корхоналарни кўздан кечирди. “Amirtex-Amir group” трикотаж фабрикасининг иш жараёни, маҳсулот экспорти ва яратилган иш ўринлари ҳақида маълумот олинди. “Lattico” сут маҳсулотлари корхонасида эса замонавий технологиялар, сифат назорати ва ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдир-иш ишлари ўрганилди. “Bukhara-Varnet” агроклас-терида гидропоника усулида етиштирилаётган маҳ-сулотлар, инновацион технологиялар ва ўқув мар-казлари фаолияти билан яқиндан танишилди. Шунингдек, Бухоро вилояти ИИБ ЙҲХБнинг ситуацион марказида ахборот-коммуникация техно-логияларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъмин-лашдаги ўрни кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Давлат бошқаруви ва жамият ҳаётининг барча соҳасини тубдан ислоҳ этиш, вакиллик органлари назоратининг самарали ва таъсирчан механизмларини йўлга қўйиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Президентимизнинг шу йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди.

Фармон ва ижро

Ушбу Фармон билан тасдиқлан-ган концепцияда маҳаллий Кен-гашларнинг назорат фаолиятини янада такомиллаштиришга, депу-татларнинг ҳудудларни ҳар томон-лама ривожлантириш жараёнлари-даги иштирокини кучайтиришга қаратилган муҳим вазифалар бел-гилаб берилди. Хусусан, маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамо-атчилик вакиллари иштирокида ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институтини жорий қилиш кўзда тутилмоқда. Бу эса ҳудудлардаги мавжуд муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш имко-ниятини яратди.

Бугунги кунда айрим ҳудудларда ҳоким ўринбосарлари билан боғлиқ ноҳус ҳолатларнинг юз бераётгани сир эмас. Хусусан, коррупция, та-ниш-билишчилик, мансабни суиис-теъмол қилиш каби замонавий раҳ-барга хос бўлмаган иллатларнинг олдини олиш учун ҳоким ўринбо-сарлигига номзодларнинг маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиниши, ўз йўналиши бўйича ҳудудни ривожлантиришга қаратил-ган дастурни тақдим этиши улар-нинг вакиллик органлари олдидаги ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳар бир ҳудудда амалга оши-рилаётган бунёдкорлик ишларида Давлат бюджети билан бир қатор-да маҳаллий бюджет маблағларин-нинг ҳам салмоқли улуши бор. Энди маҳаллий бюджетни шакл-лантириш жараёнига депутатлар-ни фаол жалб этиш орқали аҳоли-нинг турмуш фаровонлигини

ошириш, депутатлар ташаббусла-рини қўллаб-қувватлаш тизими яратилади.

Маҳаллий бюджет лойиҳасини шакллантиришда ҳудудлар тоифасидан келиб чиқиб, харажатларнинг маълум бир қисми бевосита депутатларнинг ташаббуси асосида йўналтирилиши белгиланмоқда. Бу эса депутатларнинг сайловчилар томонидан кўтарилаётган муаммоли масалаларни маҳаллий депутатлар билан ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Концепция доирасида маҳаллий Кенгашларнинг норма ижодкорли-ги соҳасидаги фаолиятини такомил-лаштириш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қарорлари лойиҳаларини ишлаб чи-қиш жараёнида фуқаролик жамия-ти институтлари ҳамда илмий дои-ралар вакиллари салоҳиятидан фой-даланишининг самарали механизми-ни яратиш кўзда тутилмоқда. Бун-дан ташқари, халқ депутатлари ви-лоят ва туман Кенгашларининг ва-колатларини аниқ тақсимлаш назар-да тутилмоқда. Аҳамиятлиси, бунда ҳар бир бўғиндаги маҳаллий дав-лат ҳокимияти вакиллик органлари-нинг вазифа ва функциялари бел-

гиланади ҳамда тақоррланишлар-нинг олди олинади.

Ушбу ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у билан маҳаллий Кенгаш сессиялари оралиғида тез-кор ёки кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал этиш мақсадида Кенгаш раёсати институти жорий этиш назарда тутилган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар-нинг Регламент ва депутатлик одо-би масалалари бўйича доимий ко-миссияларига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланмаган, тайин-ландиغان, лавозимга тайинланиши-да Кенгаш розилиги олинмаган мансабдор шахсларнинг одоб-ахлоқ нормаларини бузганлиги бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколати бе-рилаётганини ҳам алоҳида таъкид-лаш лозим.

Маълумки, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини рақамлаштириш мақса-дида “E-Kengash” электрон плат-формаси жорий этилган эди. Кон-цепцияда ушбу платформани “қулайлик — соддалик — хавфсиз-лик” тамойили асосида такомил-лаштириб бориш, бу борада, ай-ниқса, сунъий интеллект техноло-гияларидан фойдаланиш бўйича қатор чора-тадбирлари амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Концепция доирасида белгилан-ган вазифаларни бажариш орқали маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолияти самарадорлиги ошири-либ, ҳудуд манфаатларига доир ҳамда аҳоли томонидан кўтари-лаётган муҳим ва долзарб масала-ларни ҳал этиш бўйича имконият-лар кенгайтирилади, қарорлар қабул қилишда очиклик ва шаффо-фик таъминланади.

Олий Мажлис Сенати томонидан концепцияни амалга ошириш бўй-ча вазифалар ижроси мувофиқ-лаштириб борилади, айни чоғда белгиланган мақсадларга эришиш-да маҳаллий вакиллик органларига ҳар томонлама қўмақлаштилади.

Анвар ТҲҲИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва
экология қўмитаси раиси.

КЕНГ ИМКОНияТ ВА ТАШАББУСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзарбайжон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи ва унинг муҳим сиёсий, иқтисодий натижалари хусусида фикр алмашилди. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик, дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларида янги даврни бошлаб бергани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, йиғилишларда қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.



Тадбиркорлар ва ишбилармон-лар ҳаракати — Ўзбекистон Ли-берал-демократик партияси фрак-цияси йиғилишида давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасини такомил-лаштиришга қаратилган қонун лойи-ҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари томонидан бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган, шу жумладан, давлат иштирокидаги кор-хоналарнинг носоҳавий активларини хусусий секторга беришни жадал-лаштириш мақсадида давлат мулк-ни хусусийлаштириш жараёнлари соддалаштирилаётгани, тўсиқлар бар-тараф қилинаётгани, тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилаётгани эътироф этилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат кўчмас мулк объектини бўлиб-бўлиб ўтлаш шарти билан сотиб олган тад-биркорга мол-мулк ва ер солигини тўлашда енгилликлар берилаётгани қўллаб-қувватланди.

Фракция аъзоси Атҳам Назир-қулвоннинг фикрича, қонун лойиҳаси мамлакатимизда жозибадор инвести-ция муҳитини яратишга, тадбиркор-лик субъектлари учун солиқ юқининг камайишига, давлат мулкни хусусий-лаштириш соҳасини такомиллашти-ришга қаратилган.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Миллий тикланиш” демокра-тик партияси фракцияси йиғилиши-да бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асоси-да ишлаб чиқилган — “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ноширлик фаолиятининг замонавий инфратузилмасини яратиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Шу билан бирга, ушбу со-ҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, китобларда қонунчилик ва ижтимоий ахлоққа зид маълумотлар, нотўғри фактлар чоп этилишининг олдини олиш мақсади-да нашриёт бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақомини ва масъулиятини қонунчиликда белгилаш зарурати юзга келмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга нашириётлар масъулиятини ошириш, нашриёт бош муҳаррири-нинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ва китобхонлик маданиятини рағбат-лантиришга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартириш киритилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва зарурати алоҳида эъти-бор қаратиб, унда назарда тутилаёт-ган айрим нормалар бўйича қатор са-волларни ўртага ташлашди. Қонун ташаббускорлари барча саволлар юзасидан атрофлича тушунтириш берди.

Фракция аъзоси Зухра Мирғо-зиеваннинг қайд этишича, қонун лойиҳаси бош муҳаррирининг ҳуқуқий мақомини белгилашга, нашр қилина-ётган китобларнинг сифати ошиши-га, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва эстетик талабларга мос келмайдиган адабиётлар чоп этилишининг олдини

олишга, адабиётлардаги тарихий, ил-мий ҳамда оммавий маълумотлар яна-да аниқ ва ишончли бўлишига, ки-тобхонлик маданиятини янада ривож-лантиришга қаратилган.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Лойиҳага биноан йўл ҳўжалигини ривожлантиришда комплекс ёндашув-ни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар жорий этилади. Йўллари лойиҳа-лаштиришда аҳоли фикри ва атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш ҳамда пиёдалар учун “тўсиқсиз” муҳитни яратиш бўйича қатъий талаб-лар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, соҳанинг бошқарув ти-зими такомиллаштирилиб, ваколатлар ва масъулият доиралари аниқ белги-ланмоқда. Йўл қурилишига илғор техно-логиялар ва стандартларни жорий этиш устувор тамойил сифатида мустаҳкамланмоқда.



Бундан ташқари, пуллик йўллари давлат-хусусий шериклик асосида қуриш ва эксплуатация қилишининг шартлари, шу жумладан, мулкчилик-ка доир муносабатлар акс этмоқда.

Муҳокамага бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар атроф-лича кўриб чиқилди. Хусусан, депу-тат Беҳзод Тўхтамуродов қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўй-ича аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар кўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушунтириш бе-риб ўтди. Фракция аъзолари қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар берди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувват-ланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам қатор қонун лойиҳалари депу-татлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Кун тартибига мувофиқ ёқилги-энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарлик-ларга қарши курашиш механизми-лари такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.



Қонун лойиҳаси билан Ўзэнерго-инспекциянинг маъмурий ҳуқуқбу-зарликлар бўйича баённома рас-мийлаштириш ваколати аниқ белги-ланмоқда. Ички ишлар органлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хо-димларига эса ёритишда электр энер-гиясидан ҳўжасизларча фойдаланиш ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий баён-нома расмийлаштириш ваколатини бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, электр энергияси, газ ва сув тармоқларига қонунга хилоф равишда улашиб, уларни ўғирлаган-лик учун жавобгарлик чоралари ку-чайтирилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида белгила-наётган айрим нормалар фракция аъзоларининг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди. Хусусан, депутат Қизилгул Қосимова айрим жарима-ларни ошириш билан боғлиқ норма-ларга эътироз билдирди. Баҳс-муно-заралардан сўнг лойиҳа нисбатан кўпчилик овоз билан қўллаб-қувват-ланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида пиротехни-ка буюмларининг муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга со-лиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мулкни ҳимоя қилиш ҳамда жа-моат хавфсизлигини таъминлаш мақ-садида ишлаб чиқилган — “Ўзбеки-стон Республикаси ҳудудида пиротех-ника буюмларининг муомаласи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Сўнгги пайтларда пиротехника буюмларини Ўзбекистон Республикаси-га қонунга хилоф равишда олиб ки-риш, ноқонуний реализация қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳолатларининг кўпайиши фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсиз-лиги ҳамда жамоат тартибига, ёнгин ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан хавфлики-нинг II – V классларига тегишли пи-ротехника буюмларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маиший мақ-

садлардаги муомаласи тўлиқ тақиқ-ланиши тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва ҳабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунда пиротехника буюмлари муомаласи бўйича лицензия ва рухсатнома бе-риш тартибиди бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзоси Сапаржол Утемуратова томонидан қонун лойиҳаси пиротехника буюм-лари муомаласи соҳасида давлат назо-рати ва таъсир чораларининг сама-радорлигини оширишга, ушбу турда-ги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ундан жабрланиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилгани таъкид-ланди.

Қонун лойиҳаси юзасидан фракция аъзолари томонидан бир қатор таклиф-тавсиялар билдирилиб, лойиҳа концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган бошқа масала-лар ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Халқимиз манфаатларини таъминлаш йўлида муҳим демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан бошланган ўзгаришлар одамлар ҳаётини чинакамига ўзгартирмоқда, ҳар бир инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатланиб, тинч ва фаровон яшашларини таъминлашга зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Нуктаи назар

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев расмийлигида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қий-наётган масалалар таҳлили бўйи-ча ўтказилган видеоселектор йи-ғилиши, шубҳасиз, сўнгги йил-ларда амалга оширилаётган кенг кўламли, шиддатли ислохотлар-ни “элакдан ўтказди”, десак, асло янглишмаймиз. Аввало, “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил-нинг айнан инсонлар ўз ҳаётла-рида ҳис этиши йўлидаги муам-молар, тўсиқлар аниқ очиб бе-рилди. Айниқса, фуқаролар дар-дига қулоқ тутиш, уларни фақат-гина тинглаш билангина чеклан-масдан, муаммоларига манзилли ечим топиб бериш орқали муш-кулини осон қилиш масаласи йи-ғилишнинг устувор ғояси бўлди.

Буни йўл, ободонлаштириш, қурилиш, иссиқлик-энергия таъ-миноти, таълим ва соғлиқни сақ-лаш ҳамда ижро тизимида йил-лар давомида йиғилиб қолган му-аммолар бирма-бир саналиб, уларга ечим бўладиган аниқ ва-зифалар белгилаб берилгани яққол кўрсатиб турибди.

Одил судловни таъминлаш масъулияти

Йиғилишда суд қарорлари ўз вақтида ижро бўлмаётгани юза-сидан муրожаатлар жуда кўпли-ги қайд этилиб, биргина ўтган йили МИБга юборилган ҳар беш-та суд қароридан биттаси ижро қилинмагани кескин танқид ос-тига олинди.

Ваҳоланки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддаси ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинлик-ларини суд орқали ҳимоялаш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонун-га хилоф қарорлари, ҳаракатла-ри ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг энг мустаҳкам кафолати ўлароқ ҳар бир тизим ва фуқаролар учун ишлаши керак. Шу асосда сўнгги йилларда айнан суд-ҳуқуқ тизи-мида, хусусан, одил судловга эришишда қатор амалий ишлар бажарилди, аввало, ҳуқуқий

асослар мустаҳкамланди. Жумла-дан, Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Рес-публикаси суд тизими тузилма-сини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги Фармони билан ягона суд амалиётини таъминлаш мақ-садида Олий суд ва Олий ҳўжа-лик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритuvi соҳасида суд ҳокими-я-тининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирилаштирилди.

2017 йил 1 июнь кuni юрти-мизда биринчи марта давлат органлари ва мансабдор шахс-ларнинг гайриқонуний ҳаракатла-ри устидан фуқаролар ва тадбир-корлик субъектларининг судга шикоят йўллаш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган 207 та маъму-рий суд ташкил этилди. Шунинг-дек, тадбиркорлик субъектлари-нинг қонуний манфаатларини ка-фолатли ҳимоя қилишга қаратил-ган туманларо ва туман (ша-ҳар) миқёсида ҳам жами 85 та иқтисодий суд фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бир қаторда, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди бир-лаштирилиши фонида Олий суд фаолияти янада такомиллашти-рилди. Ўз навбатида, ҳудудлар-даги ҳўжалик судлари иқтисодий судлар сифатида қайта ташкил этилиб, 71 та туманларо, тум-ман (шаҳар) иқтисодий судига ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқиш ваколати берилди.

2018 йилда Маъмурий суд иш-ларини юритиш тўғрисидаги ко-декс қабул қилинди. Мазкур ҳуж-жат маъмурий юстицияни янада такомиллаштиришнинг фунда-ментал асосларини мустаҳкамла-гани кўйидаги рақамларда ҳам ўз аксини топади. Гап шундаки, 2017 — 2024 йиллар оралиғида айнан маъмурий судлар томони-дан қарийб 120 мингта ариза ва шикоятлар кўриб чиқилиб, шун-дан 60 фоизига яқини қаноат-лантирилган.

Эътиборлиси, бу борадаги ис-

лохотларнинг ҳуқуқий асослари-ни мустаҳкамлашга доир ислохот-лар тўхтаб қолгани йўқ. Буни жо-рий йил 30 январда Президенти-мизнинг “Фуқаролар ва тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқла-рини суд орқали ҳимоя қилиш-нинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинганда ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, ушбу ҳужжат билан маъмурий судлар фаолиятига илғор хорижий таж-рибада ўзини оқлаган институт ва тартибларни кенг қўллаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қону-ний манфаатларини ҳимоялашда ушбу судларнинг ролини оши-риш, жумладан, давлат органи ҳужжатига ишониб фаолият юри-тган фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини қўшимча равишда ку-चाйтиришга доир муҳим вазифа-лар белгилаб берилди.

Англашиладики, шунча ҳуқуқий асослар яратилганига қарамас-дан, мазкур соҳада ечимини ку-таётган масалалар борлиги ва айнан давлат раҳбари томонидан уларнинг ағирлими ўртага таш-ланаётгани ижро масаласида яна-да жиддийроқ бўлишимиз лозим-лигини кўрсатади.

Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият

Мақсадимиз инсонларни рози қилиш экан, бу борада яна бир кенг тарқалган ва таъсирили ма-сала, сўзсиз, товар ва хизмат-ларга қўйиладиган нархларнинг халқ учун “чўнтақбоп” бўлишидир. Айниқса, озик-овқат масаласида бу янада яққолроқ аҳамиятли. Йи-ғилишда мазкур масала ҳам эъти-бордан четда қолмади. Қайд этилдики, гўшт, сут, парранда гўшти ва туҳум нархи кескин ош-маслиги, қорхоналар “соя”дан чи-қиб ишлаши учун ҚҚСнинг ярми-ни қэшбек қилиб қайтариш тар-тиби тасдиқланган.

Демак, нархлар барқарорлиги-ни таъминлашда масъуъллар то-монидан қэшбекни бир кунга бўлса ҳам қечиктирмаслик зарур-лиги, ўз навбатида, катта бир му-аммонинг олдини олади.

Умуман олганда, газ, электр энергияси каби энг оммабоп ма-салалар бўйича ҳам аниқ муам-молар кўрсатилиб, уларнинг ечи-ми борасида вазифалар белги-лангани йиғилишнинг халқимиз учун нақадар аҳамиятли бўлгани-дан далолат беради.

Янги Ўзбекистон ўз олдига

қўйган улкан ислохотларни му-ваффақият билан ҳаётга тат-биқ қилишда, аввало, бунёдкор халқимизга, унинг тенгсиз сало-ҳиятига таянишига яна бир бор амин бўлдик. Зеро, йиғилишда муրожаатлар билан ишлаш тизи-мига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу борадаги ишлар танқидий кўриб чиқилиб, тамомила янги шакл ва усулда давом этиши белгиланди. Жумладан, Халқ қабулхоналари тизими ҳам аҳоли дардини эши-тиб, масалаларни ҳал этиш ўрни-бада муружаатларни давлат ташки-лотларига тақсимловчи “диспет-чер”га айланиб қолгани, натижа-да ўтган йили виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналарига юборил-ган муружаатларнинг 55 фоизи-га ижобий ечим топилмай қолга-ни танқид қилинди.

Ушбу ҳолатда ўз-ўзидан муρο-жаат эгаларида ишончсизлик, умидсизлик бўлиши табиий. Оқибатда уларнинг ижтимоий тармоқлар орқали ўз дардини айтиши юртдошларимизда умум-ий ислохотларга ишончни ка-майтиришга олиб келади. Ижти-моий барқарорликка путур етқа-зувчи бундай омилларнинг илди-зи билан курашиш учун, аввало, муружаатларга тўғри қулоқ тутиш, муружаатчининг керак бўлса, қўлидан тутиб, масаласини бир-га ҳал этишга қаратилган тизим зарурлигини ҳаётнинг ўзи олди-мизга қўйган эди. Йиғилишда бу борада ҳам ечим топилди, муρο-жаатлар билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилди.

Ижрога муносабат янгича бўлмоғи лозим

Шундан келиб чиққан ҳолда, фаолиятидаги камчилик ва муаммоларни ҳисобга олиб, Президент Администрацияси Назорат инспекцияси шу куннинг ўзида тугатилди. Эндиликда ижро интизомини мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйи-ча мутлақо янги тизим яратилди, бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул этиб бел-гиланди ва унинг ваколатлари кенгайтирилди.

Эътиборлиси, ислохотлар кўлами ва шиддатидан келиб чи-қиб, тизимдаги ўзгаришни паст-дан бошлаш, бунинг учун маҳал-лий ҳокимликлар тизимини опти-маллаштириш, кўплаб муҳим ва-зифалар бўйича ҳал этувчи қарорларни ҳокимларнинг ўла-ри қабул қилишларини ўз ичига олган мутлақо янги тизим шакл-

лантирилиши белгиланди.

Бунинг учун Сурхондарё вило-ятида тўлиқ ва яна 15 та туманда янгича бошқарув тизими синов тариқасида амалга киритилди. Олинган тажриба асосида кейин-чалик янги тизим барча туманда жорий этилади.

Мустақил Ўзбекистон тарихи-да бу йўналишда маъмурий ис-лохотлар амалга оширилмагани натижасида юзага келган муам-мо ва тўсиқларни бартараф қилишда ушбу янги қадам ўз са-марасини беришига ишонамиз. Бироқ бу айнан сизу бизнинг биргаликдаги ҳаракатимиз маҳсу-ли бўлишини ҳам англамоғимиз лозим. Зотан, ўзгариш ва янги-ланишлар ташаббусдан амалий натижагача бўлган йўлни ўз-ўзи-дан эмас, айнан тизимдаги ҳар бир раҳбар ва ходимнинг фи-дойилиги эвазига босиб ўтиши айна ҳақиқат.

Шу ўринда айрим рақамларни келтирсак. Жорий йилнинг беш ойидаги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлар таҳлили кўрсатмоқ-даки, бу даврда юртимизда са-ноат 6,4 фоиз ўсган, экспорт миқ-дори 18 фоиз, хорижий инвести-циялар 46 фоиз ошган. Қиймати 3 млрд. долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга тушган. Қувонарлиси, 2 млн. 400 минг одам даромадли бўлган.

Албатта, бу кўрсаткич ва нати-жалар билан фخرлансак, арзий-ди. Зотан, дунё миқёсидаги бе-қарор сиёсий вазият иқтисодий ислохотларга ўз таъсирини ўтказ-май қолмаяпти. Халқаро беқарор-лик фонида кўплаб мамлакатлар жорий йил учун ўзларининг иқти-содий прогнозларини қайта кўриб чиқмоқда. Оқилона ички ва ташқи сиёсат натижасида эса Ўзбекистон ўз олдига қўйилган мақсад йўлидан огишмай одим-ламоқда. Видеоселектор йиғили-ши айна қатъиятни янада мус-таҳкамлаш, фаолиятимизда бир қараб олиш ва таҳлил қилиш им-конини берди ва унинг ижобий натижаси, шубҳасиз, йил охири-да намён бўлади.

Бу борада ҳам меҳнаткаш халқимизга хос босиқлик ва етти ўлчаб бир кесишдек гўзал қадр-иятимиз давлат сиёсатида ўз аксини топгани кўпчилик томони-дан эътироф этилмоқда. Энг асо-сийси, эришилган натижаларни янада яхшилаш, иқтисодий им-кониятларимизни тўғри ишлатиб, янада мустаҳкамлашимиз зарур. Зеро, учинчи Ренессанс сўзлар-да эмас, амалда барпо этилмоқ-да. Унда ҳар биримизнинг муно-сиб ҳиссамиз бўлиши мақсадга мувофиқ.

Жаҳонғир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Коррупцияга қарши
курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси.

АЗАЛИЙ РИШТАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

➡ Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Озар-байжонга давлат ташрифи ҳам жуда тигиз ва мазмунли кечди. Боку шаҳрида бўлиб ўтган музока-ралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Давлатлараро олий кенгаш-нинг иккинчи йиғилиши қарорини қабул қилди. Давлат раҳбарлари ҳузурнда қатор икки томонлама ҳужжатлар алмашилди. Имзоланган ҳужжатлар ора-сида Фан, касб-ҳунар ва олий таълим соҳаларида ҳам-корлик тўғрисида ҳукуматлараро битимнинг борлиги икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган эзгу мақсадлар мумас-сам эканидан далолат.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида таълим соҳасидаги алоқалар сўнгги йилларда изчил ривожланмоқда. Бунда давлатларимиз ўртасидаги ма-даний-тарихий яқинлик, умумий тил илдиэлари мав-жудлиги муҳим ўрин тутаяпти.

Ҳар икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида талабалар алмашинуви бўйича шартномаларнинг тузилиши, Озарбайжон Республикаси ҳукумати томонидан ўзбекистонлик талабалар учун “Озарбай-жон давлат стипендияси” доирасида ўқув грантлари ажратилиши, шунингдек, 2022 — 2024 йиллар давомида икки давлат ўртасида бир нечта халқаро ил-мий-амалий анжуманлар ташкил этил-гани илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва минтақавий барқарорлиқни таъмин-лашда муҳим роль ўйнамоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 28-29 май кунлари Ан-дихон давлат университетиде Ўзбекистон Республи-каси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Озарбайжон Республикаси Фан ва таълим ва-зирлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистон — Озарбайжон: олий таълим соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш-нинг устувор йўналишлари” мавзuidaи олий мамла-кат олий таълим муассасалари ректорларининг I фо-руми ўтказилди.

Мазкур нуфузли тадбирда ҳар икки мамлакатдан кўплаб олий таълим муассасалари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари қатнашди. Якунда 60 дан зиёд шарт-номалар имзоланди. Ушбу битимлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳам-корлиқни янада кенгайтириш, қўшма таълим дастур-ларини жорий этиш, технопарклар ташкил қилиш, ил-мий тадқиқот лойиҳаларини биргаликда амалга оши-риш ва академик алмашинув жараёнларини жадал-лаштиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда Европа Иттифоқиға аъзо давлатлар ва Марказий Осиё минтақасини боғлаб турувчи Озар-байжон билан самимий дўстлик, айниқса, фан-таъ-лим соҳасида ўзаро алоқаларнинг кучайиши учинчи Ренессанс пойдевори яратувчилари бўлган ёшлари-мизга янада кенг имкониятлар эшигини очади.

Икки туркий тилли қардош давлатнинг таълим, илм-фан, инновацияни ривожлантириш борасидаги ҳам-корлиги, бирга қўлга киритаётган ютуқлари иттифоқ-чилик муносабатларининг узоқ йиллар давомида сай-қал топиб ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги азалий ришталарнинг янада мустаҳкамланишига за-мин бўлади.

Бахтиёржон АКБАРАЛИЕВ,
Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон
давлат университети ректори.

ҒАЛЛАЧИЛИК

озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналиши

Аҳолининг жадал ўсиши шароитида юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларига ортиб бораётган эҳтиёжларни таъминлаш масаласи, айниқса, долзарбдир. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ички бозор талабини ва йилдан-йилга ўсаяётган экспорт ҳажмларини қоплаш учун аграр секторни маҳсулотлар билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш имконини беради.

Таҳлил

Шу маънода, сўнгги йилларда юр-тимиз қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш йўналишида кенг кўламли ишлар рўёб-га чиқарилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ер-сув муносабатларини такомиллашти-риш, қўлай агробизнес муҳитини ва юқори қўйилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмлари ва ахбор-от-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, аграр соҳада қишлоқ ҳўжа-лигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш вазифаси қўйилган. Бунда илгор технологиялар асосида дон ишлаб чиқаришни янада интенсификациялаш, қорхоналарни бозор тамойиллари асосида ташкил этиш ва соғлом рақобатни таъминлашга алоҳи-да эътибор қаратишмоқда. Стратегияга кўра, дон ҳосилдорлигининг ўртача кўрсаткичларини гектаридан 80 — 85 центнергача етказиш назарда тутилган.

да бозор нархларига тўлиқ ўтиш ор-қали ҳақиқий миллий ғалла бозорини яратишга олиб келди. Бунинг натижа-сида фермер ва кластерларга ўз ғал-ласини биржада сотиш учун реал им-кониятлар очилди.

Президентимизнинг дон тармоғини ривожлантириш бўйича қарорларини изчил амалга ошириш, дон бозорини янада либераллаштириш, мамлакат-нинг дон ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини кафолатли таъмин-лаш мақсадида шу йил май ойида Вазирлар Маҳкамасининг “2025 йил ҳосилидан бугўдой харид қилиш ва ички бозорни дон билан барқарор таъмин-лаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Тезкор статисти-канинг сўнгги маълумотларига кўра 2025 йил ҳосили учун 1 миллион гектар-га яқин суғориладиган майдонда кузги бошоқли дон экинлари етиштирилган.

Хукумат режаларига кўра, жорий йилда 2 миллион 850 минг тонна дон сотилиши кутилмоқда, улардан вақ-тинча сақлаш, давлат захирасини тўлдириш ва келгуси ҳосил учун уруғ-лик фонди шакллантирилади. Шунчи таъкидлаш керакки, етиштирилган ҳосилнинг таҳминан учдан икки қисми бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг та-сарруфида қолади, бу уларнинг ман-фаатдорлигини ошириш учун муҳим рағбатлантириш ҳисобланади. Ҳосил-ни ўз вақтида қабул қилишни таъмин-лаш учун “Agrodocs” рақамли плат-формадан фойдаланиш асосида 94 та тижорат вакили билан шартномалар тузилган.



Жорий йилда ўрим-йиғим мавсуми-ни ўз вақтида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда жой-ларда кўп минг кишилик ўрим-йиғим отрядлари тузилиб, замонавий, юқори унумли комбайнлар парки сафарбар қилинди, етиштирилган ҳосилни сақ-лаш жойларига ташувчи отрядлар шакллантирилди. Иқлим шароити, экиннинг ривожланиш ва пишиш муд-датларидан келиб чиқиб, мамлақати-миз бўйича ўрим-йиғим мавсуми бош-ланиб, самарали ўтказилмоқда. Бу йил биринчи бўлиб Сурхондарё вилояти ғаллақорлари ўрим-йиғим мавсумини бошлаб берди, кейинчалик Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Андижон, Наманган, Тошкент, Фаро-на вилоятларида бу ишга киришилди. Мамлакатимизда бошланган ғалла мавсумининг сўнгги тўлқини Қорақал-поғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида бўлди.

Аъло даражадаги тайёргарлик иш-лари мавсуми ўтказиш учун ресурс-ларни сафарбар қилишнинг қисқа муд-датлари ва етиштирилган ҳосилни тез-кор йиғиб олиш бўйича ишлар сифа-тини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу мамлакат ғаллақорларига нисбатан қисқа муддатларда давлатга дон сотиш бўйича режали мажбуриятлар-ни тўлиқ бажариш имконини берди.

Ғаллачиликда олиб борилаётган ис-лохотлар, бозор механизмларининг жорий этилиши ва дон бозорининг ли-бераллаштирилиши натижасида жорий йилда Ўзбекистонда 8 миллион тон-

надан зиёд ғалла етиштирилиб, ўрта-ча ҳосилдорлик 84 центнердан ошди. Бу йил ҳосилдорлик бўйича мутлақ ре-кордчилар Хоразм (94,2 ц/га) ва Сур-хондарё (91 ц/га) вилоятлари бўлди. Таъкидлаш жоизки, илгор агротехно-логияларни қўллаш ва ғалла парвари-шини ташкил этиш асосида Мирзачўл, Пахтачи, Ангор, Жарқўрғон, Шеробод, Олтинсой, Термиз ва Ҳазорасп туманла-ридаги ўнлаб фермер ҳўжаликлари яна-да юқори кўрсаткичга эришди — ғалла ҳосилдорлиги 100 — 105 центнерга етиди. Бу илгор тажриба ва замонавий техно-логияларни янада кенг жорий этиш ғалла етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича катта захиралар мавжудлигидан далолат беради.

Дон ҳосилдорлигини оширишнинг яна бир омил — селекция ишлари ва донли экинларнинг янги навларини муомалага киритишдир. Кейинги вақтларда биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил ва нуқулай об-ҳаво шароитига чидамли янги навлардан фойдаланилмоқда. Бугунги кунда ғал-лақорлар 600 минг гектардан ортиқ

майдонларда 12 та янги кузги навдан (шундан 8 таси маҳаллий) фойдала-нишни бошлади.

Илгор тажриба алмашини ва жой-ларда мутахассислар малакасини ошириш ҳам ғалла етиштириш сама-радорлигини кўтаришнинг муҳим омилдир. Хусусан, жорий йилнинг апрель ойида олимларни жалб этган ҳолда бошоқли дон экинларини етиштиришда юқори ҳосил олишнинг инновацион усулларидан фойдаланиш бўйича республика миқёсида ўқув се-минарлари ўтказилди.

Бу фермерларнинг билим ва қўни-к-маларини мустаҳкамлаш имконини берди, буни жорий йил натижалари кўрсатиб турибди. Жумладан, мамла-катимизда екиш ишлари аниқ ташкил этилиб, ўтган йилдан 10 — 12 кун ол-дин якунланди. Мамлакатимиз ғалла-қорлари минерал ўғитлар ва замона-вий биостимуляторлардан янада са-марали фойдаланмоқда, бу ҳам юқори ҳосил олиш, экинларнинг эрга пиши-ши ва дала намлигидан оқилона фой-даланишнинг гарови бўлди.

Дурбек АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ойбулоқдаги «Войиш усули» – боғдорчилик маданиятининг ажралмас қисми

Узумчиликда узоқ йиллик тажрибага эга булоқбошиликлардан нафақат боғдорчилик сир-асрорини, балки ҳаётга меҳр, меҳнатга муҳаббат ва сабр-тоқатни ўргансак арзийди. Булоқбоши туманидаги Мирзакалон Исмоилий номли маҳаллада бунга яна бир бор амин бўлдик.

Маҳаллада 405 та хонадон бўлиб, шундан 380 таси узумчиликка ихтисослаштирилган. Суяги меҳнатда қотган аҳоли эрта баҳордан ишга киришади. Ҳар бир токка ўзгача меҳр беради. Зеро, ҳар бир новдада оила учун барака, фарзандлар учун таълимга сармоя, кексалар учун ҳаёт завқи бор!

Бу ерда хонадонлар катта даромад манбаи — томор-қанинг ўзидан ўртача 3 тоннагача ҳосил олади. Кўчалар-га сўритоклар ўрнатилгач, бу кўрсаткич 4 тоннани ташкил эта бошлади. Масалан, Ойбулоқ кўчасининг икки четида қад ростлаган сўритоклар 4 километргача давом этган. Бу ўтган йили 820 тонна ҳосил йиғиб олиш имконини берди. Шундан 450 тоннаси экспортга йўналтирилди.

— Авваллари томорқанинг ўзи-дан ҳосил олган бўлсак, энди кўча-миздан ҳам унум-ли фойдаланмоқ-дамиз, — дейди шу маҳаллада яшовчи Акромжон Қосимов. — Бу жараёнда банк кредитлари ҳам катта роль ўйна-моқда. Улар томо-нидан ҳар бир хонадонга уч йиллик имтиёзли давр би-лан кредитлар ажратилди. “Хусайни”, “Андижон қора” навли узум тез ҳосилга киргани боис ҳозирда ҳам кре-дит учун тўловни амалга оширяпмиз, ҳам даромад оляп-миз. Оиламиз билан 9 сотихдан иборат томорқамизнинг 7,5 сотих қисмига ток экканмиз. Ҳозирдан ҳосилнинг ҳар бир килоси учун 20 минг сўмдан харидорлар бор.

Ҳа, маҳалла аҳли жорий мавсумда ҳам узумчиликдан катта даромад олиш ниятида меҳнат қилди. Самара эса қўл етгулик: ҳосилнинг чўғи баланд. Уларнинг айтишича, бу йил 900 тонна узум йиғиб олиш мумкин.

— Бундан беш йил муқаддам маҳалламизда камба-ғаллар ўрнатида турувчилар сони 125 нафар эди, — дейди шу маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Юсуфбек Акбаров. — Айни пайтда уларнинг сони кескин қисқарган. Аҳолини фаровонлик сари етаклашда узум-чилик бўйича тўпланган тажриба қўл келяпти. Маҳалла-дагилар шу билан қийоғланиб қолмаяпти. Улар ҳар қарч ердан унумли фойдаланмоқда. Масалан, ток остига экил-ган лопадан ҳам мўмайгина даромад келади. Очiq то-морқадан уч марта ҳосил олиш йўлга қўйилган. Чорва-чилик, тикувчилик, асалиричилик билан шугулланувчи-лар бор. Ҳар бир оила йил давомида ўртача 100 милли-он сўм даромад олмаса, ҳисобмас.

Рости ҳам шу: ерга меҳр берган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳар биримиз ўз ҳудудимизда Ойбулоқ кўча-сини яратилишимиз мумкин. Бу бизни ҳаётга меҳр, меҳ-натга муҳаббат ва қатъий ишонч билан ҳаракат қилишга ундайди. Натижа эса нафақат оилавий бюджет, балки мамлакат иқтисодиётининг юксалишидаги иштирокимиз-ни ҳам таъминлайди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



«Ёшлар билан ишлашда янги тажрибамиз бор»

Бугун қишлоқ ҳўжалигида ишчиларнинг аксарияти ёшлар. Дала иши осон эмас, аммо йигит-қизларнинг маълум қисми фермер сифатида иш бошлаётгани қувонарли. Жорий йилда фарғоналик ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 1062 та маҳаллада хонадонбай иш ташкил этилиб, хатлов ўтказилди. Натижада 1 млн. 6 мингдан зиёд йигит-қизлардан иборат “ёшлар баланси” шакллантирилди ва ҳар бирининг муаммоси, қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб тизимли ишлар амалга оширилди.

Имконият

— 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини оши-риш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонла-рини ўзлаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги Президент қарори ихросини таъминлаш доирасида ер олиш истагини билдирган 21 минг нафардан ортиқ талабгорлар рўйхати шакллантирилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Фар-ғона вилояти бошқармаси бош-лиғи Бобур Мўминов. — Шу асос-да вилоят бўйича 5 минг гектар-га яқин ер майдонлари ишсиз

ёшларга ажратиб берилди.

Эътиборлиси, вилоятда ижара асосида ер олган 18 минг ишсиз ёшнинг 6 770 нафари ўзини ўзи банд қилиш орқали, 11 минг 230 нафар йигит-қиз эса юри-дик шахс ташкил этмасан ҳолда “деҳқон ҳўжалиғи” сифатида рўйхатдан ўтказилиб, бандлиги таъминланишига эришилган.

— Ёшлар билан ишлашда янги тажрибамиз бор. Туманимизда-ги ҳар бир маҳалла кесимида ўтказилган хатлов натижасида 28 минг нафардан кўпроқ йигит-қизлар турли тоифалар бўйича ажратилди, — дейди Ёшлар иш-



лари агентлиғи Ёзёвон тумани бўлими раҳбари Умиджон Деҳқонов. — Шу тарика ер олиш истагида бўлган ишсиз йигит-қизлар, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари, оиласи кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтож ёшлар, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширишдан қайтганлар рўйхати шаклланти-риб олинди. Деҳқончилик қилиш истагини билдирган 1 282 нафар ёшга 344,6 гектар ер майдони

ажратиб берилди. Бугунги кунда бу ер майдонларида ёшларимиз “Бир контур — бир маҳсулот” та-мойили асосида экин экиб, да-ромад олмақда.

— Бизга ерни экишга тайёр-лашдан тортиб уруғ, техника, минерал ўғит ҳамда етиштирил-ган маҳсулотни сотишгача бўлган барча жараёнда ёрдам берилмоқда, — дейди ёзёвон-лик Достонбек Раҳимов. — Бун-дай эътибор ва рағбатдан фой-даланиб, полиз маҳсулотлари-

ни етиштирдик. Ҳозирги кунда қовун ва тарвузни ички бозорга етказиб бермоқдамиз. Даромад чакки эмас.

Кўштепа туманининг “Гарм-дон” МФЙда яшовчи Расулжон Тоҳировнинг уч нафар ўғли бор. Аммо фарзандларининг муқим иш жойи, доимий даромад ман-баи йўқ эди. Шу сабабли улар бир муддат хорижда ишлаб кел-ди. Маҳалла ёшлар етакчиси Қосимжон Ёқубовнинг тавсияси асосида бу оила учун бир гек-тардан ортиқ ер ажратилди.

Оила аъзолари эрта баҳордан 14 минг туп тарвуз кўчатини пар-варишлаб, аини пайтда 50 тонна атрофида ҳосил олишни кўзлаб туришибди. Полиз маҳсулотлари эса дала бўйидаги катта авто-магистраль ёқасида ташкил этилган бозорчада пешма-пеш сотилмоқда.

— Фарзандларимга маҳалла-мизнинг ўзида юқори даромад-ли иш топиладанидан хурсандман, — дейди Расулжон Тоҳиров. — Эндиликда фаолиятимиз кўлами-ни кенгайтириб, маҳаллада хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Деҳқонободда тикилган либослар Европада харидоргир

Деҳқонобод туманида “Зарафшон текстиль” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2023 йилда йирик тўқимачилик корхонаси қурилиб, ишга туширилган эди. Ушбу корхона қисқа вақт ичида катта муваффақият йўлини босиб ўтишга улгурди.

— Қўлигул чеварларимиз тиккан либослар жуда харидоргир, — дейди иш бошқарувчи Ҳасан Умаров. — Деҳқонободдаги корхона “Зарафшон текстиль” МЧЖнинг 12-филиали ҳисоб-ланади. Бошқа корхоналарда бичилган матолар бу ерда тикилиб, қадокланиб, тўғри экспортга йўналтирилади. Айни пайтда ойига 300 минг донадан ошiq болалар ва эркаклар либослари тикилиб, маҳсулот тўлиқ Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

Эътиборли томони, корхонада 350 дан зиёд хотин-қизлар иш билан банд. Корхона раҳбариятининг айтишича, маҳсулотга хориж бозорларида талаб катта. Шу боис ишлаб чиқариш салмоғини ошириш режа қилинган. Бу яна 150 дан ошiq ишчи кучига эҳтиёж пайдо бўлади, деганидир.



Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).



«Туяқушнинг гердаийб туришига ишқибозман»

— Мақтаняпти деманг-у сизнинг олдингизда ҳам яна бир санаб кўрай. Бир, икки, уч, тўрт, беш, ҳа 500 бериб-ди, долларда. Бу икки марта “мастер-класс” ўтганим учун.

— Зўр-ку, қаерда?..

— Қозогистонда, Сариогоч деган жойида. Телефон қили-шади, бораман. Туяқушларга қизикадиган бир гуруҳ йигит-қизлар тўпланади, баъзилари туяқушнинг боласиниям кўта-риб келади. Сўхбатлашамиз, маслаҳатлар бераман. Баъ-зан кун бўйи қолиб кетаман ўша ёқда.

Офарин!

— Бориш-келиш, транспорт харажати, ов-қатланиш дегандай... Булар кимнинг ҳисо-бидан?

— Ҳаммасини мезбон томон кўтаради. Қолаверса, мени интернет каналим орқали топган қозоқ оғаларимга фойдам тегаяпти-ки, бир йиллик шартнома тузишди — 50 минг долларлик. Бори шу жониворни парваришладиги муаммоларга саволларга эринамасдан, атрофлича тушунтириш бе-ришим керак. Баъзан шу жониворнинг савдосига ҳам аралашаман. Мана шунақа қилиб пулини тўлагач, тилингиз бийрон бўлиб кетади, ука.

— Нега туяқушга қизиқиб қолгансиз ўзи?

— Биринчидан, бу қушнинг гердаийб ту-риши, қадам ташлаши мени завқлантира-ди. Буни бир хобби десаям бўлади. Ва яна чўлнинг киндиги саналган — Оқолтин тум-анида 20 бош туяқуши, 200 бошдан ортиқ фозу ўрдаги бор фермер сифатида ажра-либ туришини истадим. Биласиз, чўлда зо-вур кўп, захкаш сув бўлса-да жониворлар-ни кўпайтирса бўлади. Фақат озгина эъти-бор, қаров керак, холос. Туяқуш эса гўштию патидан тортиб тирноғигача пул. Масалан, 5 ёшга кирган туҳум берадиган туяқуш 600 доллар, жўжаси юз доллар, туҳумининг ҳар донаси 500 минг сўмдан. Патига шу йилдан харидор кўпайди. Никоҳ пайти ке-лин-куёв имзо учун ушлаб турган патни кўрганмисиз, ана шу туяқушники, донасини 25 минг сўмдан пуллаямиз. Бу йил ички бозордан ташқари, Қозогистонга 60 бош жўжа, 400 дона туҳум, 20 бош она туяқуш-ни экспорт қилдим. “Ўзи фермасида 20 бош туяқуши бўлса, қандай қилиб шунча жони-ворни четга сотди экан”, дерсиз. Ахир биз кооперация асосида ишляпмиз, бугун одамларга жўжа ё насли туҳум сотсак, уни исталган пайт: бир ойма, бир йилми ўтгач

қайтариб сотиб оламиз. Ана шу сабабли, экспорт хажми баланд. Қозоқ оғайнилар эса мени яхши билади. Алдамайман, шу боис “туяқушчи домла ўзимиздан”, дейишадю мендан олади. Туяқушларнинг ёғидан кос-метик совун, бел-оёқ оғриғига даво бўла-диган табиий малҳамлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйганмиз. Қисқача айтганда, туяқуш ақлини ишлатган одам учун мисоли очил дастурхон!

Чамалаб кўрсам, мана шу туяқуш фер-мамнинг ўзи юз бош қорамол боқилади-ган қорамолчилик фермасио юз чоғли кўйнинг даромадидан баланд. Шу боис мазкур жониворлар сақланадиган жой туну кун видеокузатув остида. Ҳазиллашяпти деманг-у бу жониворларнинг юриш-тури-ши тушимгаям қиради. Қиммат-да, яқин-да бир оғайнимга вояга етган зотдор туяқушимни минг долларга бермадим. Ик-килдан, биламан барибир олади.

— Туяқуш тижоратида ҳам маҳоратингиз ошибди-да.

— Шунча нарсани билганим, нафақат бил-ганим, балки қўллаётганим, гапимни амал-да бажараётганим сабабли қозоқ оғайни-лар қақирди-да, ука. Қўлингдан иш келма-са, ким салом беради сизга, тўғрими? Ях-шиси, вақт топсангиз, қишда ҳам келинг, туяқушнинг гўшtidан тайёрланган қазини татиб кўрасиз. Бу қазининг таъмини ҳам, хосиятини ҳам кўпчилик билмайди.

...Оқолтинлик тадбиркор, “Занжирли шам-шир” фермер ҳўжалиғи раҳбари Баҳодир Пардаев билан унинг фаолиятига омад ти-лаган ҳолда “Насиб этса, киш фаслида кўришгунча”, дея хайрлашдик.

Абдуноб АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Сирдарё вилояти

Қишлоқ тиббиёти қачон ўнгланади?

Шу йилнинг 7 майида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг навбатдаги босқичида турган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, Иштихон тумани бошқа ҳудудлар орасида қатор кўрсаткичлар бўйича ортда қолмоқда.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Айниқса, тиббиётнинг бирлам-чи бўғинида кўрсатилётган тиб-бий хизматлардан аҳоли рози эмас. Тумандаги “Ўзбекистон” поликлиникасига 7 та маҳалла бириктирилган. Лекин 6 нафар оилавий шифокор 9 та штатни банд қилиб, юкламани эплай олмаяпти. Бу поликлиникада яна 6 та врач штати бўш. Кафолат-ланган пакетга зарурати пухта ўйланмасдан 90 турдаги дори ки-ритилгани боис поликлиникага бунинг ярми ҳам келмаяпти. По-ликлиникадаги лаборатория таҳ-лилини бирорта шифохона тан олмайди. Энг кўп муурожаат бо-лалар касалликларига тўғри кел-гани боис оилавий шифокорлар-да кўникма етишмагани учун улар педиатр вазифасини тўлиқ бажара олмаяпти. Туғуруқ ёши-даги 9 минг аёлга бор-йўғи 1,5 ставка гинеколог штати бе-рилган. Аҳолининг 35 фоизи юрак-қон томир, қандали диабет, ошқозон-ичак каби сурункали ка-салликларга чалинган. Бундай касалликларни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ва асорат-ларини камайтириш бўйича тиббиёт бригадаларининг иши кўринмаяпти.

Мамлакатимиз раҳбари раис-

лигида ўтказилган йиғилишдан сўнг қишлоқ тиббиёти вилоят шифохоналарига ўрнак бўлиши учун янги тизим асосида туман-даги бирламчи тиббиёт муасса-саларининг моддий-техника ба-заси, тиббий жиҳозлар таъмино-ти, бино ва иншоотлар тўлиқ хатловдан ўтказилди. Тумандаги 62 та маҳаллада яшовчи қарийб 282 минг нафар аҳоли хатлов қилиниб, “маҳалла профили” шакллантирилди. 3 — 18 ёшли ўғил-қизлар онкогематологик, фертил ёшидаги аёллар перина-тал ва бачадон бўйни саратони, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли кардиологик ҳамда қандали диа-бет скринингидан ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳар бир маҳаллага Самарқанд давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари, рес-публика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари вилоят фи-лиаллари ва туман, шаҳар тиб-биёт бирлашмалари раҳбарлари масъул қилинди.

— Ўттиз беш йилдан бери бир-ламчи тизимда фаолият кўрса-таман. Доим оилавий шифокор танқислиги кузатилган, — дейди Иштихон тумани тиббиёт бир-лашмаси бошлиғи вазифасини

вақтинча бажарувчи Баҳодир Абдураззоқов. — Бунга сабаб ярим ставкада ишлайдиган ши-фокорлар мавжудлиғи, ойлик маошларнинг камлиғи, қоғозбоз-лик ва иш юкламасининг кўпли-гидир. Бугунги кунда 105 нафар оилавий шифокор штати бўлган туманимизда 60 нафар умумамал-лиёт шифокори фаолият кўрса-тмоқда. Қолаверса, ушбу оилавий шифокорларнинг 50 фоизи на-фақа ёшидаги ходимлар санала-ди. Бошқа иложимиз ҳам йўқ, ёшларни бу тизимда ишлашга мажбур этолмаямиз. Хатто би-тирувчилар ҳам бир-икки йил ишлагач, шифохоналарга ўтиб кетади. Бирламчи тиббиёт тўла маънода аҳоли саломатлиғига масъул. Шу боис туманимизда 17 та оилавий шифокорлик пункти, 4 та оилавий поликли-ника мақбуллаштириляётганини эшитиб хурсанд бўлдик. Энди-ликда ҳудудда 12 мингдан кўп аҳолига хизмат қиладиган 7 та поликлиника фаолият кўрсатиб, қолган 27 таси кичик поликли-ника сифатида қайтадан ташкил этилади. Туман марказий кўп тармоқли поликлиникаси туман шифохонасининг маслаҳат-диаг-ностика бўлимига айлантирил-моқда. Бу узоқ кутилган янгилик.

Албатта, ижобий натижалар-дан аҳоли миннатдор, аммо бир-ламчи тиббий-санитария ёрда-мида янги механизмлар жорий этиш ҳамон оқсаяпти. Масалан, тажриба-синов ўтказилётган Самарқанд шаҳри, Булунғур ва Иштихон туманларида 9 турдаги ахборот-коммуникация жиҳозла-ри ва тармоқ қурилмалари би-

лан таъминлаш бўйича бирор амалий иш бошланмаган. Бугун-ги кунда Самарқанд вилоятида 41 та шифохона, 16 та кўп тармоқли марказий поликлини-ка, 70 та оилавий поликлиника, 164 та оилавий шифокорлик пункти, 700 та хусусий клиника ҳамда 25 та маҳалла тиббиёт пункти орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим кўрсаткичлар таҳлили на-тижасида қатор туманларда белгиланган вазифалар етарли даражада ижро этилмагани билан боғлиқ муаммолар аниқланган.

Жумладан, жорий йил якунига қадар вилоятдаги даволаш-про-филактика муассасаларининг таъ-мирталаб бўлган 262 та санита-рия-гигиена шохобчасида таъмир-лаш ишларини амалга ошириш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 39 таси таъмирланган. Айниқса, Каттакўрғон, Иштихон, Пастдарғом, Ургут ва бошқа қатор туманларда бу ишларни амалга оширишда камчиликлар кузатил-моқда. “Тиббиётда 90 кунлик ўзга-ришлар вақти” дастури бўйича ту-ман-шаҳарларда амалга оширила-диган 6 та йўналишдаги ишлар учун 22,7 млрд. сўм ажратилиши белгиланган. Бугунга қадар 3,1 млрд. сўм ёки 14 фозис таби-лаб ажратилган, холос. Албатта, бу мутасаддилардан соҳада олиб бориляётган ислохотларга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ИНСОН ИЗМИДАГИ МЎЪЖИЗА



Президентимиз 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган учрашувда мамлакатимизда навқирон авлод ҳаётини ўзгариштирган, уларнинг орзу-мақсадларига қанот бўлаётган ислохотлар ҳақида сўз юритаркан, асосий йўналишлардан бири сифатида сунъий интеллектни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга ургу қаратди. Устувор соҳаларда айна йўналишида 100 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинаётганини, шунингдек, қадриятларимиз ва маданиятимизни ўзида ифода этадиган сунъий интеллектнинг миллий моделини ишлаб чиқиш бошланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1 июль куни рақамли технологиялар, сунъий интеллект ва телекоммуникация соҳаларидаги режалар тақдимиоти билан танишuvi чоғида соҳада 1 миллион нафар мутахассис тайёрлаш вазифаси белгилангани қайд этилди.

Хўш, юртимизда сунъий интеллектни ривожлантиришга нега бунчалик эътибор кучайди? “Ҳадсиз ақл” дея эътироф қилинаётган ушбу нейрон тармоқ бугун инсониятга қандай имкониятлар туҳфа этмоқда? Ва бунинг чек-чегараси борми?

Мушоҳада

Ким яратган ва қандай ишлайди?

“ChatGPT” — сунъий интеллект тармоғига “Сени ким яратган ва қандай ишлайсан?” деган савол билан мурожаат қилсангиз, “Мени “OpenAI” номи АҚШда жойлашган илмий-тадқиқот компанияси яратган... Менинг асосим — “GPT” (Generative Pre-trained Transformer) деб номланган нейрон тармоқ модели. Мен миллиардлаб матнлардан (китоблар, мақолалар, веб-саҳифалар) “ўқиб”, тилини тушуниш ва матн яратишни ўрганганман. Бу жараёнда менга гаплар тузилиши, маънолар, мантиқий боғланишлар ва услубларни англаш ўргатилган. Сиз менга савол берганингизда, мен жавобни прогноз қилиш орқали яратаман: яъни навбатдаги сўз ёки гап нимадан иборат бўлиши эҳтимоли юқори деб ҳисобласам, ўшани танлайман. Бу жараён реал вақтда амалга ошади, шунга кўра тезкор жавоб бера оламан”, деган аниқ ва лўнда жавобни беради.

Бу мантиқий изчилликка эга фикрлаш тарзидан лол қоласиз. Аслида сунъий ақл дастури учун ўзи ҳақиқдаги бу савол жуда оддий ва жўн. У кимё, биология, математика, физика, тиббиёт, фармацевтика, тарих, адабиёт, қўйингки, ҳар қандай фанга оид саволга батафсил жавоб қайтаради. У шеър ёзиши, куй басталаш, қўшиқ айтиши мумкин. Сунъий идрок жинд-жинд маълумотларни таҳлилдан ўтказиб, сизга унинг қисқа мазмунини ёки соддалаштирилган шаклини тайёрлаб бера олади. Бу дастурдан кундалик режаларни тузиш, муайян масалаларни ечишда таҳлил ва таққос асосида ҳулосалар олиш, истиқболни белгилашда фойдаланиш самарали.

Платформа билан жуда оддий, маиший масалаларда ҳам суҳбатлашиш мумкин. Худди инсон билан сўзлашаётгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Айна пайтда хавотирингиз ҳам ошади. Чўнки компьютерингиз ёки телефонингиздаги бир дастур сиз билан суҳбатлашадиган, баъзи масалаларда теран мулоҳазалари, аниқ фактларга асосланган таҳлиллари, талқинлари билан сизни ўзига жалб этиб, зарур бўлса, ақл ўргатиб, доно маслаҳат бериб турса, унинг имкониятларини чамалаб, қўнгингизни қувонч ҳислари билан бирга гашлик туйғуларни ҳам эгаллайди. Дафъатан, тасаввурингизда америкалик киножодкорлар суратга олган “Терминатор” фильмидаги юксак ақли, ҳар қандай синовга бардошли, ўзини ўзи тўзатадиган, тажовузор, шафқатсиз роботлар жонлиб, бир вақтлардаги фантастик ҳаёлот бугун ҳаётий ҳақиқатга айланмаяптими деган ўй ўтади қалбингиздан.

Дарҳақиқат, XXI асрининг илк чора-ғида ахборот технологиялари мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Шубҳасиз, сунъий интеллект — мана шу технологиялар таракқётнинг энг юксак чўққиси. Бугун бутун дунёда давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, саноат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, кишлоқ хўжалиги, мудоффа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда сунъий идрок имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

«Big Data» имкониятлари

Сунъий интеллект (Artificial Intelligence) — “AI” яратиш ҳақиқдаги қарашлар Иккинчи жаҳон уруши давридан бери мавжуд. Асос сўнгги ўн йилликдагина технология ва муҳандислик соҳасидаги ушбу умидлар жадал рўёбга чиқа бошлади. Бугун шу ҳолга келдикки, олим ва мутахассислар ҳар қандай жабҳанинг эртасини сунъий интеллектдан қай даражада фойдаланилиши билан боғламоқда.

Хозирги кунда “AI” бўйича тадқиқотлар, бизнес инвестициялари ва уларнинг ҳаётга татбиғи муттасил кенгайиб бормоқда. Бу соҳадаги етакчи мутахассислардан бири Эндрю Ян-Так Нг сунъий интеллектни “Янги электр энергияси” деб атайди, чўнки электр

энергияси бир аср аввал деярли барча соҳани ўзгартиргани каби “AI” ҳам яқин йилларда ҳамма жабҳани ўзгариштириш тайин.

“AI” муваффақияти асоси — маълумотлар, аниқроғи “Big Data”, яъни жуда катта маълумотлардир. “Big Data” атамаси кунига 100 гигабайтдан кўп маълумот тушадиган оқимларга нисбатан қўлланиб келинган. Кейинчалик соҳадаги кескин ривожланиш боис бу тушунча ҳам янада кенг қамров касб эта бошлади. Ушбу атама одатда тарабайт, экзобайт ва петабайтлар даражасидаги катта ҳажмдаги маълумотларга нисбатан қўлланилади.

“AI” лойиҳалари ана шундай улкан ҳажмдаги маълумотларни талаб этади. Кейинги йилларда бу миқдордаги маълумотларнинг мавжудлиги ва технологик ютуқлар бир вақтда юзга чиқди. Бугун машиналар улкан маълумотларни таҳлил қилиб, инсон фарқига бормайдиган қонуниятларни аниқлай олади. Интернетдаги изланишларингиз, харидларингиз, одатларингиз ва жойлашувингиз билан реал вақтда боғланади. Сиз чанги қурортларни қидирсангиз, “Facebook”даги саҳифангизда чанги жихозлари бўйича реклама пайдо бўлади. Хозирда ўзини ўзи бошқарувчи автомобиллар ҳаётимизга кириб келмоқда.

Мутахассислар сунъий интеллектга тўртинчи саноат инқилобининг асоси

“Ўзбекистонда сунъий интеллектни ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, “Oxford Insights” халқаро ташиқлотни томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Хўкуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексининг 2024 йилдаги натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси 188 та давлат орасида 70-ўринни (2023 йилдагига нисбатан 17 даража юқорилаш), Марказий Осиё давлатлари орасида эса 1-погонани эгаллади.”

сифатида қарамоқда. Бугун “AI” ёрдамида нутқини матнга айлантириш ёки бошқа тилга таржима қилиш учун со-ниялар кифоя. Тиббиётда турли касалликларни аниқлаш ва уларга даво му-олажасини белгилашда сунъий интеллект тизимлари шифокорлар даража-сида аниқликка эга.

Бундай дастурлар об-ҳаво прогно-зи ва астрономик маълумотларни таҳ-лил қилишда фаол иштирок этмоқда. Мулоқот қила оладиган ўйинчоқлар бо-лаларнинг бўш вақтини мазмунли ўткази-шига, хорижий тилларни ўрганишига қўмаклашмоқда. Ҳарбий соҳада дро-нлар мураккаб шароитларда одам-ларсиз ҳаракатланаяпти.

— Сунъий интеллект тадрижи мун-тазам давом этмоқда, — дейди АҚШ-даги ватандошимиз, “Амазон” кам-панияси дастурий таъминот муҳандиси Бехзод Мамадиев. — Масалан, яқинда “Google” компанияси “Google”нинг “Gemini” деб номланувчи сунъий интеллект ёрдамчисига янги функция-ларни қўшди. Энди фойдаланувчилар биргаликда реал вақт режимида хуж-жат ва код устида ишлаши, шунинг-дек, подкаст шаклида овозли қисқа ҳу-лосалар олиши мумкин. Компания, шунингдек, янги дори воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, матн ва молекуляр тузулишларни таҳ-лил қилиб, дориларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳоловчи очиқ “AI” моделларидан иборат “TxGemma” платформасини ҳам тақдим этди.

“NVIDIA” компанияси бош директо-ри Женсен Хуанг иккита янги шахсий “AI” суперкомпьютерини оммага на-мойиш қилди. “Grace-Blackwell” чи-парига асосланган ушбу компьютер-лар катта “AI” моделларини локал тарзда ишлаб чиқиш ва ишга туши-риш имконини беради.

Соҳани молиялаштириш ва саноат ташаббуслари ҳам изчил ўсиб бормоқ-да. Жумладан, “NVIDIA”, “xAI”, “Microsoft”, “MGX” ва “BlackRock” компаниялари биргаликда “AI” инфратузилмасини ривожлантириш учун 100 миллиард долларлик фонд ташкил этди. Бу ташаббус глобал миқёсда сунъий интеллект ҳисоблаш

инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган.

“Microsoft” компанияси Швейца-риянинг “Inait” стартапи билан ҳамкор-ликда инсон мияси принциплари асо-сида “AI” тизимларини ишлаб чиқиш-ни режалаштирмоқда. Ушбу рақамли “миялар” молия ва робототехника со-ҳасидаги амалиётларда қўлланилади ва “Microsoft Azure” платформасида жо-рий қилинади.

Хуллас, сунъий интеллект тараққи-ёти муттасил давом этапти. Келгуси-да экзотик ҳисоблаш шакллари (ма-салан, квант компьютерлар ва ДНК асосидаги маълумотни сақлаш) рўёб-га чиқиши билан “AI” ривожи ҳам яна-да жадаллашади.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси рўёби

Бутун дунёда бўлгани каби мамла-катимизда ҳам сунъий интеллект тех-нологияларини барча жабҳага кенг жо-рий этиш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имконияти ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу со-ҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ало-ҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори сунъий интеллектни қўлаш-нинг асосий йўналишлари ва тамойил-ларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқ-болда ушбу соҳани комплекс шакл-лантириш учун шарт-шароитлар яратишни белгилаб берди. Давлати-миз раҳбарининг 2024 йил 14 октябр-даги қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

— Стратегияда 2030 йилга қадар юртимизда сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажминини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш

даланиш учун инклюзивлик яратилди.

Шунингдек, кадрлар ва илмий са-лоҳиятни ошириш йўналишида мамла-катимиз аҳолисининг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш кўник-маларини ошириш бўйича Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорлик-да “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида “Бир миллион промптлар” платформаси (“aistudy.uz”) ишга туширилди ва мазкур платформа янги турдаги ўқув дастурлари (“МЕТА”, “Яндекс” ва бошқалар) билан тўлдириб борилиши режалаштирилган.

Бугун сунъий интеллект техноло-гияларини ривожлантиришга қаратил-ган норматив-ҳуқуқий базани шакл-лантириш, соҳада стандартларни та-комиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ургу қаратилмоқда. Маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни ишга туши-риш учун техник инфратузилмани яна-да яхшилаш, ижтимоий соҳа ва иқти-содиёт тармоқларида мазкур йўналиш-даги устувор лойиҳалар ижроси бўйи-ча кенг кўламли чора-тадбирлар амал-га ошириляпти. “AI” технологиялари-дан фойдаланиш бўйича аҳолининг би-лим ва кўникмаларини ошириш, кадр-лар тайёрлаш ва салоҳиятини ривож-лантиришга аҳамият берилаяпти.

Ўзбекистонда сунъий интеллектни ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тад-бирлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, “Oxford Insights” халқаро ташиқлоти томонидан ҳар йили эълон қилинадиган Хўкуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индек-сининг 2024 йилдаги натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси 188 та давлат орасида 70-ўринни (2023 йл-дагига нисбатан 17 даража юқорилаш), Марказий Осиё давлатлари орасида эса 1-погонани эгаллади.

Бу ишларнинг барчаси “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳаётий рўёбига хизмат қилмоқда.

Хавотирлар қанчалик асосли?

Дарҳақиқат, бугунги кунда сунъий интеллект ўз имкониятлари билан ҳаётимизга тобора чўқур кириб кел-моқда. Аммо ақли роботлар кун кели-либ инсониятга хавф туғдиради деган хавотирлар қанчалик асосли?

Хозирги кунда “AI” тизимларидан маълум бир тор соҳаларда жуда са-марали фойдаланиляпти. Баъзи мута-хассислар алгоритмларнинг қарор қабул қилиш жараёнини инсоннинг фикрлаш миқёси билан таққослаб, юқори баҳо бермоқда. Аммо тадқиқот-чи Дэвид Уотсон мазкур ҳолат жуда ошириб кўрсатилаётганини таъкидлай-ди. Бу эса одамларда “AI” ҳақидаги кўркўвларни кучайтиряпти.

Аслида сунъий интеллект қачонлар-дир инсон измидан чиқиб кетиб, ўзини ўзи бошқаришга ўтиши ҳақида фараз-лар йўқ эмас. Хусусан, “SpaceX”, “Tesla” каби қатор компаниялар эга-си, шунингдек, “ChatGPT”ни ишга ту-ширган “OpenAI” компанияси асосчи-ларидан бири Илон Маскнинг айтиши-ча, инсоният катта хавф билан юз-лашмоқда. Унга кўра келгусида сунъ-ий интеллект шу даражада тараққий этадики, унинг назорати инсон қўли-дан чиқиб кетади.

Хозирча сунъий интеллект асосида ишловчи машиналар айрим экстремал шароитларда ҳам мустақил ҳаракатла-на олади. Бироқ ҳис-туйғу, тафаккур, ихлодорлик, инсон қаби ноодатий қарорлар қабул қилиш бу қурилмалар учун ҳали ёт.

Яна бир муҳим нуқта: ҳеч бир ма-шинанинг ўзини қайта дастурлаш қо-билияти йўқ. У ўз вазифасидан ташқари ишни бажара олмайди. Роботнинг ўз-ўзини идора қилиши учун у ўзини ан-глаш, ўзини сақлаш инстинктига ва шуни амалга оширадиган дастурий ҳақда жисмоний воситаларга эга бўли-ши керак. Лекин бу ҳозирги ҳолатда мумкин эмас.

Қўруқлар шундан келиб чиқадики, турли “AI” агентлари бир-бири билан боғланиши ва тармоқ орқали ҳамкор-лик қилиши мумкин. Бундай ҳолда сунъий интеллект тизимлари жамоа-

Ўзбекистонда сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашдаги этика қоидалари ва тамойиллари Рақамли технологиялар ва-зирлиги томонидан 2026 йилда ишлаб чиқилиши белгиланган.

Шубҳасиз, келгусида “AI” тизимларининг очиллиги, ҳисобдорлиги ва адо-латли ишлаши устидан назорат механизмлари йўлга қўйилиши лозим.

Сунъий интеллект бугун барча соҳада катта имкониятлар эшигини очмоқ-да. У тўғри қўлланилса, инсон ҳаётини яхшилайди. Лекин тўғри бошқарил-маса, у атом энергияси каби хавфли қуролга айланиши мумкин. Технология инсоннинг ўрнини эгаллаши эмас, унинг ишларини енгиллаштириши керак. Демак, сунъий интеллектдан фойдаланишда ахборот технологияларига оид чўқур билим билан бирга, юксак ижтимоий масъулият ва умуминсоний ахлоқ асосий мезон бўлиши шарт.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ибратли ёшлар

Гулруҳсорабегим – дунёнинг олди университети талабаси

Сўрхондарёлик иқтидорли ва фаол ёшлардан бири Гулруҳсорабегим Абдусаидова Америкадаги нуфузли “UC Berkeley School of Law” олийгоҳининг “LL.M.” магистратура дастурига расман қабул қилинди.

Шу йилги “QS” рейтингига дунё-нинг энг яхши 10 та университети қаторига кирган “UC Berkeley”да ўқиш жаҳон миқёсида ёшлар оразуси сана-лади. Бу олий таълим муассасасида Стев Возняк, Эрик Шмидт, Женни-фер Дудна, Гордон Мур ва Крис Пайн каби машҳур шахслар таҳсил олган.



Эътиборлиси, Гулруҳсорабегимга шу пайтгача “PENN State” ва “Boston University”дан ҳам тўлиқ грант асоси-да тақиплар билдирилган.

Дарвоқе, бу йил энг иқтидорли қизлар қаторида Гулруҳсорабегим Абдусаидова ҳам Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган-ди. Унинг навбатдаги ютуғи нафа-қат шахсий муваффақият, балки илм-га чанқоқ ёшларимиз учун дунё эшиклари кенг очиллигини англатади.

Пуллик ўқув курсларисиз эришилган ютуқ

Абдурашидхон Маликов Термиз шаҳридаги 16-мактабнинг 8-синф ўқувчиси. У мустақил ўқиб-ўрганиш орқали халқаро даражадаги ютуққа эришди. Интернетдан, асосан, билим олиш мақсадида фойдаланиб, IELTS имтиҳонида 7 баллини қўлга киритди ва инглиз тили бўйича (“C1” даража) сертификатга сазовор бўлди.

— Айрим тенгдошларим онлайн ўйинларга ва ижтимоий тармоқларда вақт сарфлаётганини кўриб ачинаман, — дейди Абдурашидхон. — Интернет, бу — ёшлар учун чексиз имконият. Ундан умумли фойдаланса, оиламиз иқтисодиётига ҳам ёрдам берган бўламиз. Интернет кўмағида мен ўз она тилимни тарғиб қилган ҳолда пул-лик ўқув курсларига ҳеч қандай маб-лағ сарфламасдан хориж тилини ўргандим.

“Интернет олами кенг. Ундан ўзингга кераклисини топсанг, омад се-ники”, дейди Абдурашидхон. Унинг из-ланиши ва интилиши бошқа ёшларга намунадир..

Она тилим – жонү дилим, хориж тили ҳам бераркан илм

Шодия Хўшбоқова айна пайтда таътилда бўлса ҳам вақтини беҳуда совурмайди. У янги ўқув йилида Термиз туманидаги 16-мактабнинг 5-синфда ўқишни давом эттиради.

Шодия тенгдошлари орасида ўз она тилида саводли ёзиш билан бир қаторда хориж тилини ҳам мукамал ўрганиб, инглиз тилидан “B2” даражадаги миллий мулътилевел сертификатини қўлга киритди.

— Бунинг сирини нимада деб сўра-яписми? Мен шундай жавоб бера-ман: она тилини мукамал билган, бошқа тилларни ҳам тезда ўрганар экан. Етти ёшимдан ота-онанинг меҳрибонлиги ва менга устозларча берган маслаҳатлари билан ана шундай ютуққа эришдим, — дейди Шодия. — Яна бир нарсани айтиб қўйишим керак, устозларим менга тўғри маслаҳат берди, тўғри йўл кўрсатди. Келгусида қайси касбни танлашимдан қатъи назар, яхши му-тахассис бўлиш мақсадин бор.

Айна чоғда Шодияга ҳавас қилиб, унинг олти ёшли синглиси ва қўни-қўшнларининг фарзандлари ҳам хо-риж тилини ўрганишмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Грузиянинг Батуми шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича аёллар ўртасидаги «Жаҳон кубоги — 2025» мусобақаларида Гулруҳбегим Тохиржонова, Афруза Ҳамдамова ва Умида Омонова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Бедорлик

ЗАМИН ОНА ЯНГЛИҒ ТАНҲО ДУНЁДА



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Дунё харитасин чулғар ҳаёлим:
Олам меҳварини тутмиш Гарбу Шарқ.
Икки яримшарни копток мисоли
Кимдир уриштирмоқ орзусида гарқ...

Оҳ, оҳ, оҳ кабутар момиқ қанотин
Мовий ҳаволарга нозик ёзди.
Ракета, дронлар сирли ва ботин
Қоп-қора фазода қабр қазди!

Самовот қаърида минг битта фалак,
Ақлни лол этар ғайриоламлар.
Бу ғайриоламлар ичра жонҳалак
Ушқоқдек Замин бор, билинг, одамлар!

Сиз билган, биз билган оламтоб офтоб
Коинот қўйнида кичик бир юлдуз.
Сизу биз сиғинган Замин ҳам ҳисоб
Бор-йўғи бир сиким тупроқ деган сўз!

Бир ҳовуч кул бўлиб тўзғйсан наҳот
Дунёда ёлғизим, эй она Замин?
Дўзахга айланса, бу гардун, ҳайхот,
Ким унга куяру ким чекар гамин?

Замин она янглиғ танҳо дунёда,
Онадек меҳрибон, мағруру мунглуб,
Тубсизу бесарҳад боқий самода
Фарзандидан ўзга бир илинжи йўқ.

Агарким, бир гулни синдирса шамол,
Баргларин тўзғитса турфа томонга,
Дилбандим дейди-ю дилида малол,
Ҳасрати сиймайди ёруғ жаҳонга!

Намойиш айлабон куч-қудратини
Ким Ерга қўл сунмоқ айлайди хоҳиш?
Бетавфиқ Герострат шон-шуҳратини —
Истаб қолган ким ул, қай феъли нохуш?

Билсун: қора қолур тарих қатида
Ношуд фарзандларнинг тавқи лаънати,
Онани ўлдириб, қабри устида
Эвоҳ, деб йиғлаган ўғил қисмати!

Дунё харитаси нотинч, беқарор,...
Олам меҳварини тутмиш Гарбу Шарқ...
Эй Замин, ёлғизим, ахир Худо бор,
Ўзи асрар шаксиз, Ўзи! Аналҳақ!

Ўш шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди

Ўш шаҳридаги Навоий боғида буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкаlining тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўш шаҳар Кенгаши депутатлари, дипломатлар, ўзбек миллий маданий марказлари фаоллари ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Ўш шаҳар мэри Женишбек Токторбаев ўз сўзида Ўзбекистон ва Қирғизистон алоқаларининг бугунги ҳолати ҳақида тўхталди. “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров давлат раҳбари сифатида иш бошлаганидан буён, икки мамлакат ва халқ ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда ҳамкорлик ўрнатилмаган соҳа қолмади ва икки давлат раҳбарларининг саяё-ҳаракатлари билан ушбу дўстлик ҳамда стратегик ҳамкорлик муносабатлари энг юқори даражага чиқди”, деди у.



Халқ депутатлари Ўш шаҳар Кенгаши раиси Болотбек Баев, ўз

навбатида, Алишер Навоий меросига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш туркий халқларнинг бурчи эканини таъкидлади. “Алишер Навоийга ўрнатилган ушбу ёдгорлик мамлакатларимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қолади ҳамда ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги яқин қўшничилик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”, деди Кенгаш раиси.

Анжуман давомида Бобур номидаги Ўш шаҳар академик мусикали драма театри ижодий жамоаси ва Ўш давлат филармонияси хонандалари томонидан Навоий ҳаётига бағишланган сахна кўринишлари, буюк шоир ғазалларига бастанган мумтоз кўшиқлар ижро этилди.

Таъкидлаш керакки, Алишер Навоийга Ўш шаҳрида янгидан ўрнатилган ҳайкаlining очилиши шаҳар жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланди.

Азуса ШИРАЙШИ:

ЎЗБЕКИСТОН – ҚАДИМГИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДАГИ МАФТУНКОР МАМЛАКАТ

Япониянинг “Tatsumi Publishing” нашриёти япониялик машҳур сайёҳ, ёзувчи ва журналист Азуса Ширайшининг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга бағишланган “Марказий Осиёга саёҳат” номли китобини чоп этди.

Эътироф

Муаллиф 2023 йилдаги Марказий Осиё мамлакатларига, жумладан, Ўзбекистонга амалга оширган сафаридан олган таассуротларини ушбу китобга киритган. У ўз сафари давомида Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонда бўлгани ҳақида ёзган.

“Жаҳон микёсида ҳали янги ва ёш бешта давлатнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Қозоғистон — кенг даштлар ва нефтга бой давлат. Ўзбекистон — қадимги Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида гўзал мезморий ёдгорликлари сакланиб қолган мафтункор мамлакат. Кўчманчи маданияти хануз

яшаб турган Қирғизистон — тоғли ва чорвачилик ривожланган ҳудуд. Туркменистон — чўл ва табиий газ бойлигига эга давлат. Сон жиҳатдан туркий халқлар устунлик қилувчи минтақада фақатгина Тожикистонда тожик тилида сўзлашадиганлар кўпчиликини ташкил этади”, деб таъкидлайди муаллиф.

Азуса Ширайши Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига алоҳида эътибор қаратган. У Хивани “Ипак йўлининг марварида” деб таърифлаган ва Ичан қалъа, Ислон Хўжа минораси, Кўхна Арк, Калта Минор каби ёдгорликлар ҳақидаги муҳим маълумотларни ўқувчилар



эътиборига тақдим қилган.

Муаллиф ушбу китоби орқали Марказий Осиё ҳақида Японияда етарлича ахборот мавжуд эмаслигини, айниқса, бутун минтақани қамраб олган китоблар қамлигини таъкидлайди. Ушбу асар япон ўқувчиларининг қизиқишини ошириш, туризм ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаши мумкин. Шу маънода, 208 саҳифадан иборат китобда Марказий

Осиё мамлакатлари тарихи, маданияти, аҳолиси турмуш тарзи, гастронимияси ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар ўқувчилар эътиборига тақдим этилган.

Ушбу асар бўйича Япониянинг етакчи оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган туркум мақолаларда китобнинг сайёҳлар учун нечоғли муҳимлиги алоҳида қайд этилган.

«Дунё» АА.
Токио

СПОРТ хабарлари

Бокс: НАВБАҲОР — ЖАҲОН КУБОГИ ГОЛИБИ

Куни кеча Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бокс бўйича “World Boxing” жаҳон кубоги баҳслари ниҳоясига етди.



Мусобақада Ўзбекистон аёллар терма жамоаси иштирок этиб, яқунда ҳамюртимиз Навбахор Ҳамидова олтин медалга сазовор бўлди. Хусусан, 65 килограммгача вазн тоифасида рингга кўтарилган Н. Ҳамидова мазкур мусобақада чемпионлиқни қўлга киритган биринчи аёл боксчи сифатида ўз номини бокс тарихига ёзиб қўйди. Навбахор финал жангида катта тажрибага эга рақиб — Туркия терма жамоаси вакили, Олимпиада чемпиони ва уч карра жаҳон чемпиони Бусенас Сурменелига қарши рингга кўтарилди. Ута мурасисиз кечган баҳсда ҳамюртимиз рақибини 5:0 ҳисобида йирик фарқ билан мағлубиятга учратди.

Шунингдек, мусобақада Феруза Казакова (-54 кг.), Азиза Зокирова (-75 кг.), Соҳиба Рўзметова (-80 кг.), Олтиной Сотимбоева (+80 кг.) бронза медални қўлга киритди.

Футбол: АЁЛЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ОСИЁ КУБОГИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ

Ўтган ҳафта Тошкентдаги “Бунёдкор” стадионида аёллар ўртасида футбол бўйича Осиё кубоғига чиқиш учун саралаш баҳслари бўлиб ўтди. “F” гуруҳининг марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган беллашувларида Лаос, Непал, Шри-Ланка ва Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Литвалик мураббий Котрина Кулбите қўл остидаги қизларимиз дастлаб Шри-ланкалик футболчиларни 10:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, иккинчи баҳсда Лаос терма жамоаси устидан 7:0 натижа билан ғалаба қозонди.

Сўнгги тур олдидан Непал билан очко ва тўплар нисбати тенг ҳолатда эди. 3-турда қизларимизни фақат ғалаба қаноатлантирарди. Бироқ мазкур ўйин вакилларимиз учун осон кечмади. Непалга қарши ўйинда биринчи бўлимда 3:1 ҳисобида олдинда борган терма жамоамиз танаффусдан сўнг рақибнинг иккита голини ўтказиб юборди ва икки жамоанинг учта ўйиндан сўнг кўрсаткичлари бир хил бўлгани боис баҳс пенальтилар сериясида давом этди. Унда терма жамоамиз ўз имкониятидан унумли фойдаланди ва 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, гуруҳда 1-погонани эгаллаган қизларимиз 23 йилдан сўнг Осиё кубоғи финал турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Мазкур нуфузли мусобақа 2026 йилнинг 1 — 21 март кунлари Австралияда бўлиб ўтади.

Дзюдо: УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА 1-ЎРИН

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида тўрт кун давом этган дзюдо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё кубоғи баҳслари ўз якунига етди. “Almaty Cadets Asian Cups — 2025” ҳамда “Asian Juniors Cup — 2025” номи остида кечган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси медаллар жамғариш бўйича қитъада тенгсиз бўлди.

Ўсмирларимиз 16 та (8 та қизлар, 8 та ўғил болалар) вазн тоифасида медаллар учун баҳс олиб борди. Ва 8 та олтин, 10 та кумуш, 11 та бронза — жами 29 та медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Қозоғистон ва Мўғулистон вакиллари мос равишда иккинчи ҳамда учинчи ўринни қўлга киритди.

Ёш дзюдочиларимиз эса икки кунлик баҳслар якунига қўра 8 та олтин, 2 та кумуш, 10 та бронза — жами 20 та медал билан 10 та давлат орасида Осиёда тенгсиз эканлигини исботлади.

Шунингдек, қучли училқдан Қозоғистон ва Қирғиз Республикаси терма жамоалари жой олди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Нурота каштачилиги жозибаси

Нурота тоғлари жанубда ҳосилдор ерлар, шимолда лалмикор текисликлар орқали бепойён Қизилқум чулларига туташиб кетади. Мазкур ҳудуддаги ўнлаб қишлоқ ва овуларда яшаб келаётган нуроталиклар турмуш тарзи, удум ҳамда анъаналари, бетақдор моддий ва номоддий маданий мероси билан донг таратган.

Қадрият



Улар орасида эллик минг йиллик тарихга эга “Нурота чашмаси” шунчаки обихаёт манбаси эмас, балки эл маънавий бойлигининг тимсоли сифатида ҳам қадрли. Чашма собит тоғлар бағридан сув олганидек, нуроталикларнинг маънавий илдизлари қадим-қадим ўтмишга боғланган. Хусусан, ҳар бир оилада ўз мактабига эга чеварлик чашмага тенг тарихга эга. Янги-янги ҳижатлар

билан сайқал топган мазкур санъат эндиликда улкан маданий мерос сифатида турли тадқиқотлар манбаи ҳамдир. Ҳар бир каштачилик намунаси ўз даврининг кайфиятини ифодалайди.

— Каштачилик мактаблари орасида Нурота каштачилиги ўзининг композицион тузилиши ва ёрқин колорити билан ажралиб туради, — дейди нуроталик санъатшунос Амин Қодиров. — Ҳаётда бевосита қўлланадиган турли шаклдаги каштачилик буюмлари — сўзана, нимсўзана, зардевор, жойпўш, белбоғ, пешонабанд, шона-халта, ойна-халта, қалам-

дон қоғи каби буюмларнинг ҳар бирига ишлатилишига қўра нақш танланади. Бизнинг анъанавий каштачилигимизда шох, новда, барг сингарилар қўшимча унсурлар сифатида қўлланилиб, асосий моҳиятини очиб бериш гуллар зиммасига юклатилади. Ҳар бир тасвир орзу-ниятни ифода этади. Масалан, анор — фарзанд белгисини аңлатса, қалампир ёмон кўзлардан асрагучи тумор сифатида аңгашилади, бодом — ризқ-рўз, очилган гуллар — муҳаббат, шохчали гуллар шодаси — фаровон ҳаёт, кушлар — бахт-омадни ифодалайди.



Нурота каштачилик мактаби хомашёга дастлабки ишлов беришдан тортиб, якунида тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларни қамраб олиши билан ажралиб туради. Бунда у санъат даражасига кўтарилишини, ҳар бир намуна алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда маълум бир йўналишлар ўз аксини топганини кузатиш мумкин. Турли нақшлар, новда, барг, гуллар сингари унсурлар бу ерда халқнинг орзу-

ҳавас, турмуш тутумини ифодалайди.

— Нурота каштачилиги ҳудуднинг сайёҳлик жозибадорлигини таъминловчи омиллардан бири, — дейди санъатшунос Мусаллам Ибрагимов. — АҚШ, Хитой, Франция, Япония ва яна бошқа ўнлаб мамлакатлардан келган сайёҳлар нуроталик чеварлар томонидан тайёрланган санъат асарлари қошида узоқ туриб, ўз ҳайратини ифодалайди.

Бугунги кунда лобар қизларимиз томонидан тикилган каштали либослар, сўзана, ёстиқларнинг сир-асрорларини чуқур ўрганиш, ўсиб келаётган ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш, улар орқали бу нафис хунарни нуфузли кўргазмаларга намойиш этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

7 — 9 июль кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари бўлиб ўтмоқда.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 845 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юкчи олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчибаёт 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термал хамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалайди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6